МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

Нурбебова Нигина Султонбек кизи
Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали
1 боскич талабаси

Таълим сифатини ошириш учун унинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини узлуксиз мониторингини олиб бориш ва ўқувчиларнинг ўқув ютуқларини объектив ва адекват баколашни амалга ошириш зарур. Бу айниқса, ўқувчиларнинг кейинги шахсий ва фуқаролик ривожланиши учун замин яратадиган умумий урта таълим даражасида мухим акамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маккамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон "Халк таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш сохасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"[1] қарори билан халк таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш сохасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халкаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи- ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маккамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси хузурида Таълим сифатини бахолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилди.

Қуйидаги халқаро бахолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларни ташкил этиш белгиланди:

PISA - The Programme for International Student Assessment — 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йуналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш;

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маккамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон "Халк таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш сохасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори

TIMSS - Trends in International Mathematics and Science Study— 4 ва 8- синф ўқувчиларининг математика ва табиий йуналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини бахолаш;

PIRLS - Progress in International Reading and Literacy Study— бошлаетич

4- синф укувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини бахолаш;

TALIS - The Teaching and Learning International Survey— рахбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш мухитини хамда ўқитувчиларнинг иш шароитларини ўрганиш.

[2]Халқаро баҳолаш дастурлари буйича халқаро тадқиқотларда Ўзбекистан Республикасининг иштирок этишига тайёргарлик куриш бўйича «Йул харитаси» ишлаб чиқилди, унга кўра,

- ўқувчиларнинг ёзма ва нутқ саводхонликларини ошириш буйича илғор миллий ва халқаро тажрибаларни жорий этиш;
- ўқувчилар мустакил таълим олишлари учун электрон шаклдаги таълимни ривожлантириш, унда ўқиш, математика ва табиий йуналишдаги фанлардан халқаро тадкикотлар бўйича саволлар базасини яратиш хамда бойитиб бориш;
- ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йуналишдаги фанлардан халкаро тадкикотларга тайёргарлик куриш учун мустақил таълимни жорий этиш;
- халқаро тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан малакали ўқитувчи-тренерлар билан хамкорликда худудларда ўқувлар ташкил этиш кабилар белгиланган.

Креативлик (ижодийлик) кандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёкати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи аклий жараён. Умумий урта таълими муассасаларида математика фанини ўқитишнинг асосий вазифалари:

[2]Юнусова Д. Математикани укитишнинг замонавий технологиялари. Дарслик. - Т.: Fan va texnologiya, 2011- 200 б..

- Ўқувчилар томонидан математик тушунчалар, хоссалар, шакллар, усуллар ва

алгоритмлар хакидаги билим, куникмалар эгалланишини таъминлаш;

- инсон камолоти ва жамият тараккиётида математиканинг ахамиятини англаш, ижтимоий-иктисодий муносабатлар, кундалик хаётда математик билим ва кўникмаларни муваффакиятли куллашга ургатиш;
- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантирган холда, мустақил таълим олиш куникмаларини шакллантириш;
- фанлар интеграциясини инобатга олган холда ўқувчиларда, миллий ва умуминсоний кадриятларни, креативликни шакллантириш хамда онгли равишда касб танлашга йуналтиришдан иборат.

Математик индукция принципи - мулохазаларни исботлаш усули. Унинг босқичлари қуйидагилардан иборат: 1) кузатиш ва тажриба; 2) фараз; 3) фаразни асослаш(исботлаш). У уч кадамда амалга оширилиши мумкин: 1) ***n=1*** учун мулоказа туҒрилиги текширилади: 2) ***n=к*** учун мулоказа туҒри деб, мулоказанинг ***n=к+1*** учун тўғрилиги исботланади.3) исботнинг олдинги икки қадами ва математик индукция принципига асосан теорема ёки мулоҳаза ҳар қандай ***n*** учун тўғри деган хулосага келинади.[4]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маккамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон “Халк таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш сохасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
2. Юнусова Д. Математикани укитишнинг замонавий технологиялари. Дарслик. - Т.: Fan va texnologiya, 2011. - 200 б..
3. Юнусова Д. Булажак математика укитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. - 165 б.
4. Yunusova D.I. Ta’lim texnologiyalari asosida matematik ta’limni tashkil etish. T., “Universitet”, 2005, 131 b.